


Красноярск



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА МАЗЪ ТИОТРИАЗОЛИНА

Препаратнинг савдо номи: Мазъ Тиотриазолина

Таъсир этувчи модда (ХПН): тиотриазолин/thiotriazolin

Дори шакли: суртма

Таркиби:

1 г суртма қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 20 мг тиотриазолин (100 % моддага қайта ҳисобланганда);

ёрдамчи моддалар: метилцеллюлоза, глицерин, метилпарагидроксibenзоат (E 218), пропилпарагидроксibenзоат (E 216), тозаланган сув.

Таърифи: рангсиз ёки бироз кулранг рангли суртма. Товланишига йўл қўйилади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: яра ва яралари шикастланишларни даволаш учун восита.

АТХ коди: D03AX

Фармакологик хусусиятлари

Тиотриазолиннинг фармакотерапевтик таъсири мембранани барқарорлаштирувчи хусусиятлари, липидларни перекисли оксидланиши жараёнларини тормозланиши ва шикастланган тери ва шиллик қаватларда антирадикал ҳимоя ферментларини фаоллаштириши билан боғлиқ, бу травматик яллиғланиш ривожланишини тормозланиши, репаратив жараёнларнинг жадаллиги ва тезлигини ошириши, яраларни битиш муддатларини қисқаришига олиб келади.

Фармакокинетикаси

Тиотриазолин терига аппликация қилинганда деярли сўрилмайди ва тизимли қон оқимида тушмайди.

Препарат оғиз бўшлиғи шиллик қавати орқали етарли тез сўрилади ва унинг қон плазмасидаги максимал концентрацияси 1,5 соатдан кейин қайд этилади.

Қўлланилиши

Узоқ муддат битувчи, секин грануляцияланувчи ва эпителизацияланувчи яралар, трофик яралар ва ётоқ яралар. Псориаз. Пародонтитнинг дистрофик яллиғланишли шакллари ва оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва милкларни яралари шикастланишларида қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Сиртга қўлланади. Суртма тери ярасининг юзасига юпқа қават қилиб боғлам остида ёки очик усулда суткада 1-2 марта 1-3 hafta давомида суртилади.

Стоматологик яллиғланиш касалликларида суртма милк чўнтақларига суткада 1-2 марта 1-2 hafta давомида юборилади.

Ножўя таъсирлари

Ўта юқори сезувчанлик реакциялари, шу жумладан қичишиш, тошма, тери гиперемиyasi, иситма, эшакени, ангионевротик шиш кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Тиотриазолинни бошқа яллиғланишга қарши, антисептик ва химиотерапевтик воситалар

билан бирга қўллаш мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Препаратни жароҳатга жаррохлик ишлови берилгандан, некрозланган тўқималар олиб ташлангандан ва яра юзасига антисептик билан ишлов берилгандан кейин қўллаш керак.

Ҳомиладорлик ва эмизish вақтида қўлланиши.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар йўқ.

Болалар.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар йўқ.

Автотранспортни ёки бошқа механизмларни бошқарганда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти.

Таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Дозани ошириб юборилишининг эҳтимоли кам.

Чиқарилиш шакли

25 г дан суртма тубаларда № 1; картон кутида.

Сақлаш шароити

Оригинал ўрамида, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчининг номи ва манзили

«Химфармзавод «Красная звезда» ЖАЖ.

61010, Украина, Харьков ш., Гордиенковская кўч., 1.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:

«Carat healthcare and marketing» МЧЖ,

Почта манзили: 100017, Тошкент ш., Юнусобод тумани, А.Қодирий кўч., 39 уй.

Тел.: 71 234-77-06.